

**Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди**  
**кассация инстанциясининг**  
**А Ж Р И М И**

2019 йил январь ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди кассация инстанциясининг очик суд мажлиси ўз биносидан бўлиб, раислик қилувчи Ф.Халилов, хайъат судьялари Р.Худайбердиева ва Д.Атамуратовдан иборат таркибда, Д.Намозованинг котибалигида, томонлардан Навоий вилоят прокуратураси бўлим прокурори Э.Эшмаматов, адвокат Д.Толибовларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2017 йил 6 июндаги ҳукмига кўра,

██████████, ██████████ да Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2004 йил 22 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,97-моддаси 2-қисмининг “а,г,д,м,п,р” бандлари, 155-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари, 159-моддасининг 4-қисми, 161-моддаси, 242-моддасининг 1-қисми, 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари, 244<sup>2</sup>-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, қамалгунга қадар Тошкент шаҳар, Яшнобод (илгариги Ҳамза) тумани, 1-тор Оқдарё кўчаси, 2-уйда яшаган, иш бўйича 2017 йил 1 майда “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукми устидан судланган ██████████ томонидан келтирилган кассация шикоят асосида жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2017 йил 6 июндаги ҳукмига кўра, ██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖК 221-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 йил, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 3 йил 6 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, ██████████ 2017 йил 28 февраль куни соат 08:30 ларда саҳн худудидан рухсатсиз чиқиб, муассаса ошхонасига боргани, ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида туркум бошлиғи лейтенант Ш.Ортиқов

ошхонага бориб, маҳкумни кўриб, тартиббузарлиги юзасидан сўраб, сахнга қайтишини айтганида, [REDACTED] “мени тинч кўйинг, қаерга қачон боришни ўзим яхши биламан” деб, маъмурият ходимининг қонуний талабларини бажаришдан бош тортганлиги учун муассаса бошлиғининг 2017 йил 28 февралдаги 21-сонли қарорига асосан 20 кун қарцер интизомий жазоси кўлланилган.

Бундан ташқари, [REDACTED] олиб борилган тарбиявий тадбирлардан ўзига тегишли ижобий хулоса чиқармасдан, муассаса маъмурияти ходимлари унга ўрнатилган ички тартиб қоидаларига бўйсунмаса жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилиб, тилхат олиншига қарамасдан 2017 йил 10 апрелда ишлаб чиқариш корхонасига 1-навбат билан ишга чиқиб, соат 14<sup>30</sup> ларда ўзига бириктирилган иш жойини ташлаб кетиб, ишлаб чиқариш корхонасидаги 64-жамоа ишчи маҳкумлари анжом хонасига бориб, ўзининг шахсий ишлари билан шуғулланиб юрганлиги учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Судланган [REDACTED] кассация шикоятда, у кириб қолган экстремистик оқим ғоялари нотўғри эканлигини тушуниб етгани, қилган ишидан пушаймонлиги ҳақида важлар келтириб, суд томонидан тайинланган жазо муддатини қисқартиришни сўраган.

Кассация инстанцияси суди иш бўйича вилоят судининг судьяси Ф.Халиловнинг маърузасини, вилоят прокуратураси бўлим прокурори Э.Эшмаматовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, адвокат Д.Толибовнинг шикоятни қувватлаш ҳақида билдирган фикрларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

[REDACTED]нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликдаги айби, судда ўз айбига иқдор ва пушаймонлик билдириб берган кўрсатуви, гувоҳ [REDACTED]нинг судда берган кўрсатуви, шунингдек, жиноят ишида мавжуд [REDACTED]ни интизомий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисидаги муассаса бошлиғининг қарорлари, дастлабки тушунтириш хатлари, баённомалар ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан исботланган.

Биринчи инстанция суди томонидан иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, [REDACTED]нинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 221-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган ҳамда унинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келиниб, унинг айбига тўлиқ иқдор ва пушаймонлиги ҳолатлари билан бир қаторда муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланиб, жазо ўташ давомида яна қасддан янги жиноят содир этганлиги ҳолатлари эътиборга олинган ҳолда унга нисбатан у айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисми билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида тўғри хулосага келинган.

Суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас.

Судлов ҳайъати [REDACTED] томонидан ҳукмга нисбатан назорат тартибида шикоят келтирилган бўлса-да, унга оид жиноят иши апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўрилмаганлиги сабабли кассация инстанцияси судида кўришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 478, 490, 496, 506, 509-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

### **А Ж Р И М      Қ И Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг 2017 йил 6 июндаги [REDACTED] га нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз, унинг кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

**Раислик қилувчи:**

**Ф.Халилов**

**Ҳайъат судьялари:**

**Р.Худайбердиева**

**Д.Атамуратов**